

Ёшлар ишлари агентлигининг ўз фаолиятига оид
2021 йил I ярим йиллик
ҳисоботи

2021 йил 20 июнь ҳолатига

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йил 13 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида, 2021 йилда **ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш** мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча **секторлар ва маҳаллалар кесимида режа** тасдиқланди.

Шунга кўра, **850 минг 260 нафар** ёшларнинг бандлигини таъминлаш белгилаб олинди.

1. Жорий йилнинг **20 июнь** кунига қадар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами **425 минг 662 нафар** ёшларнинг бандлиги таъминланди. Шундан,

- **125 минг 443 нафар** ёшлар доимий ва жамоат ишларига жойлаштирилди;

- **86 минг 466 нафар** ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти учун **2 трлн. 76 млрд. 760 млн. сўм** кредитлар ажратилди;

- **194 минг 947 нафар** ёшларга **53 минг 740 гектар** ер майдонлари ажратилди;

- **18 минг 033 нафар** ёшларга **27 млрд. 910 млн. сўм** субсидия берилди;

- **774 нафар** ёшлар ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси орқали иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **107 минг 241 нафар** ёшлар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди ҳамда **70 минг 424 нафар** ёшлар “1+1” лойиҳаси асосида тадбиркор ва уста-ҳунармандларга бириктирилди.

2. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида **54 минг 248 та инвентарлар** (**16 365 та** musiқа ва санъат, **113 минг 531 та** спорт инвентар ва жиҳозлари, **7 249 та** компьютер жамланмалари) ҳамда **791 минг 057 та** бадий китоблар таълим муассасалари, кутубхона ва ўқув марказларига етказиб берилди.

Шунингдек, **беш муҳим ташаббус** доирасида йил бошидан буён **51 минг 691 та** тўғаракларга **1 млн. нафар** ёшлар қамраб олинди. Жумладан, маданият ва санъат йўналишида **12 минг 119 та** тўғараклар орқали **199 минг 690 нафар**, спорт йўналишида **19 минг 136 та** тўғараклар орқали **400 минг 797 нафар**, IT йўналишида **8 минг 760 та** тўғараклар орқали **141 минг 931 нафар**, китобхонлик йўналишида **11 минг 676 та** тўғараклар орқали **262 минг нафар** ёшлар қамраб олинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **беш муҳим ташаббус** доирасида **128 минг 534 та** тадбир ва лойиҳалар ўтказилиб, **9 млн. 168 минг нафар** ёшлар қамраб олинди.

3. “Ёшлар дафтари” жамғармаларида жорий йил давомида **196 млрд. 232 млн. сўм** маблағлар шакллантирилди.

Бугунги кунга қадар, ушбу маблағлар ҳисобидан **64 минг 535 нафар** ёшлар қўллаб-қувватланиб, **100 млрд. 728 млн. сўм** (**51 фоиз**) маблағ сарфланди.

4. “Ёшлар дастурлари” доирасида йил бошидан буён **38 та “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари”** ташкил этилиб, **282 та** лойиҳалар йўлга қўйилиши натижасида **1 798 та** иш ўринлари яратилди.

Жорий йил давомида **4 523 та** стритворкаут ва **696 та** стритбол мандончалари барпо этилди.

Шунингдек, **89 та “Рақамли технологиялар ўқув марказлари”** ташкил этилди.

“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида фестивалларни ўтказиш режаси ишлаб чиқилди ва Бош вазир томонидан тасдиқланди. Унга кўра, барча ҳудудларда фестиваль ва форумлар ташкил этилди ва тадбирларда жами **5,9 млн. нафардан** ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Маълумот учун киритилмоқда.